

06.09.2022 даги

“Бунедкор Курилиш Сервис” МЧЖ ва Вобкент туман ХТБ ўртасида 221613750,00 сўм умумий суммага тузилган 94 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 075
Шахсий газна ҳисобварак 100022860062127092100075046

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4232200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь	221 613 750,00			221 613 750,00
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	221 613 750,00			221 613 750,00

Жами 221613750,00 сўм

Икки юз йигирма бир миллион олти юз ун уч минг етти юз эллик сўм 00 тиийин
сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 66484125,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан _____ % ***2022й_ сентябр_ ойда тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада такдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилди;

(***) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____ % жорий ойнинг _____ санасига ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доирада равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш соҳасида шартланади).

Буюртмачи раҳбари

М.М.




(имзо)

Фаррух Муродулло Суннатуллоевич
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Шукурат Хусниддин Уктамович
Ф.И.Ш.

Пудрат Шартномаси

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Вобкент Халқ таълими бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи директор М.Фармонов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган Бунёдкор Қурилиш Сервис МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи томондан Б.Мухиддинов доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги сипови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

“қурилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”:- сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига умумий суммаси 221613750 сумни ташкил этади (Икки юз йигирма бир миллион олти юз ун уч миң етти юз эллик) сумлик ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил “30” августдаги “12141954” сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда умумий суммаси 221613750 сумни ташкил этиб 2022 йил сентябр ойида 30% 66484125 сумма аванс тулови амалга оширилиши лозим.

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “3” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- "2" иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатилш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафезлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биричи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорига, аванс ўтказади, бу 90000000 (Туксон миллион) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилиши ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 30% гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорига, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳақи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озол қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақолини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланилган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширтиради.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз таъинини ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишларни учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда қўшма равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш бўйичасига ва таъмур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режалар ва жаadwalига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда таъин қилади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибни қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини беринч тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини қўйиштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини беринч тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даржаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келинган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўриштиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жаadwalларини сантайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Пудратчига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга дадиллаётган стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолаттайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва бериштирилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келинган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рұхсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқловчи бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ бериштирилган ишларнинг исгалган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга маъжурдир.

Пудратчи Буюртмачининг маъмул ва маъмул таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг рұхсатловчи амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа асбоблар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз қўли билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келинган муддатда

кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини суғуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бажарилиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқини тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилиди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларнинг кўрикланиш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунча ишлар четлари тўсилаган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва ишшоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзига келган вақтда муганосиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида қилинган оламосалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаққидар.

XI. Қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажариладиган бўлиши, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган шартларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ асос келишига ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш шартлари, конструктор ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлдан келтирилган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва қўлдан келтирилган қурилиш материаллари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат сертификатларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектнинг фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланганда мувофиқлик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳим техник тизимлари, аёбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар куриб олиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 3 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бартараф этиш шароитлари аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига у қайтарилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларнинг нуқсонлари ва қала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатнома кўрсатишдан муқаддам ишда бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида келтирилган қўшимча шартнома шартномасини Пудратчидаан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва қала ишлар кўрсатишдан далолатномани тузишдан ёки имзоланишдан бош торган тақдирда, уларни тегишлик ишлар қилинишида Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади. Бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўра камида кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномани белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кечиктирилган ҳолда;
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш шартлари ва қондалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бўлганда;
- қону ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчида боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхсатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молниялаштириш шартлари белгиланганда;
- қону ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш вама рабарда.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қону ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бўлганда муқаддам.

XV. Томонларнинг муқай жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуварилик қондасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий баши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қону ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли қондаларга кўрсатишнинг ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молнияштирма шартлари ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчида қўшимча қилиш ҳақи бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,2 % миқдорда, қону бўйича қўшимча пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган қиммати қаймақининг 2% қисмидаан ошмаслиги лозим.

9
10

Пеня тўлашни Буюртмачининг шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар учуннинг тасдиқланган асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқланган рақатган ёки бош тортган сумманинг 3 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириши бўйича ўзи мажбурийатларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир иш учун мажбурийатларини бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 20 фоизидан ортиқ бўлмайди.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва муаммолар 72 вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир иш учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,2 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 20 фоизидан ортиқ бўлмайди.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларини бажаришининг янги шартлар кўрсатишининг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати талабланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлиши ҳақида Буюртмачи қурилишида Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектнинг таъминоти ва ишчи қурилиш хизматлари ҳақи тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 5 фоизи миқдориди ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбурийатлар бажарилмагани ва учун мазкур молда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномавий ёки ишчи томонидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбурийатларнинг бажарилиши тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларини ушбу мажбурийатларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Ишларни қоплаш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бозор қилишида шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал қилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзоланганидан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки баёнлар, ёнликлар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субаудиратчи билан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланиши бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўзаро тегили мажбурийатлардан келиб чиқмайдиган янги мажбурийатлар пайдо бўлишига олиб келинган ҳар қандай ҳолатда шунинг томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ўзаро рақатли тасдиқланган ҳолда.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича талабланган ишга қурилишнинг кейин қурилиш майдониди ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни томонларнинг ҳақ қилиши.

71. Мазкур шартномада навоҳи қўрилган баъзи бир ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил тартибда қонунда бўлган ҳолатда тузилади.

XVII. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ БҲЙИЧА

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбурийатларини бажаришдаги Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайди ва шу жумладан зўра, ялпи (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими ўз хизмати мажбурийатларини қоплагани ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзилаб муъйица ҳолатларини содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолда пора олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда беришни;
товламачилик қилиш;
пора сифатида пул тўлаш;
бевосита ёки билвосита пора олинганга расмий равишда;
Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бундан торалар кўрилушига
кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон (давлат органи ёки тақшлотининг номи) ходимининг ахлокка тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ушбу шартнома Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатлари билан шу билан бир қаторда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган ҳолатларда, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабарлар берилиши шарт:
коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган телефон рақамлари;
Телеграм-каналли
(давлат органи ёки тақшлотининг номи) расмий веб-сайтига эълон қилинган
шакл ёки электрон почта.

XVII. Томонларнинг банк реқвизитлари ва юридик манзиллари

Пудратчи

Бунёдкор Курилиш Сервис МЧЖ

Манзил: Вобкент туман

х/р 20208000804850591001

Банк номи: Вобкент Агро Банк

МФО Банк коди: 00091

ИНН: 301616694 ОҚОНХ: _____

«МИЖОЗ»

Вобкент ХТБ

Телефон рақами: 33-21-863

ш/хв: 1000228600621270921000750046

Банк ном: Тошкент Марказий банк

МФО: 00014 _ IIIII 201408275

ОҚОНХ: 92310

М/ш: 23402000300100001010

Ҳисобчилик бўлими номи: Вобкент тумани

Ҳисобчилик бўлими



Раҳбар И. Муқимов

(Ф.И.Ш.Н.)

Раҳбар М. Фармонов



9. Taraflarning rekvizitlari va imzolari:

Pudratchi:

Hisob-kitob raqami

Huyartiruvchi:

Hisob-kitob raqami

Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarning qonun hujjatlariga muvofiqligi
to'g'risida huquqiy xulosa

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi

Vobkent tuman Xalq ta'limi bo'limi va Bunyod Qurilish Servis MCHJ o'rtasida tuzilgan 221.613.750 so'mlik pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Mazkur shartnoma Vobkent tuman Xalq ta'limi bo'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 06.09.2022 yilda markazga taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i
06.09.2022 yil.



N.Sharipov